

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI  
У С Т А В И

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммутиция технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ -3080 -сон Фармониға, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммутиция технологияларини жорий этиш чора- тадбирлари тўғрисида»ги 200-сони Қарорига, 2002 йил 7 ноябрдаги «Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 385-сон қарорига ҳамда ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2002 йил 18 ноябрдаги 156 -сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 июндаги «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-91- сони қарорига белгиланган талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

1.2. Тошкент ахборот технологиялари университети (бундан буён матнда ТАТУ деб юритилади) олий ўқув юрти ҳисобланиб. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги унинг муассиси ҳисобланади.

1.3. ТАТУ университет туридаги олий ўқув юрти тариқасида аттестацияланган бўлиб, олий профессионал таълимнинг турли хил ва даражадаги мутахассисларини ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқлари, фан ва техника соҳасида ишлайдиган, Ўзбекистон Республикасининг «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА» ва «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ги Қонунларига мувофиқ ўрта махсус билим ва касб-хунар таълими, базовий олий таълим йўналишлари (бакалавриатура), мутахассисликлари (магистратура) бўйича олий касбий таълим, муайян мутахассисликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш, фан номзоди ва унинг даражаси негизида фан докторлари тайёрлаш учун лицензия ва давлат аккредитациясига эга. Булардан ташқари ТАТУ янги тизимда қўшимча касбий таълим-қайта тайёрлаш ва малака ошириш, касб-хунар курсларида ишчи мутахассислар тайёрлаш, олий ўқув юртларига кирувчиларга тайёрлов курслари ва бошқа турдаги таълим хизматларини олиб бориши мумкин.

1.4. Янги йўналишлар ва мутахассисликларни очиш ёки мавжудларини ёпиб қўйиш Агентлик билан келишилган ҳолда, ТАТУ Илмий Кенгаши томонидан лицензияларни кўриб чиқиш ва белгиланган режалар доирасида амалга оширилади.

1.5. ТАТУ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълимни бошқариш ваколатли органлари, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Низоми, буйруқлари, фармойишлари ва мазкур Уставга асосланиб юритади.

1.6. ТАТУ юридик шахс мақомиға, мустақил кирим-чиқим, Давлат герби тасвири туширилган думалоқ муҳр, тамға (штамп) ва бошқа реквизитларга эга.

1.7. ТАТУ бош биноси манзилгоҳи: 700084, Тошкент – 84, Амир Темур кўчаси, 108; банк реквизитлари: бюджет ҳисоби – 23404000100155275260, ривожланиш ҳисоби – 2020300010015527502, бюджетдан ташқари ҳисоби – 20203000300155275003, илмий ишлар бюджети ҳисоби – 23404000200155275200, валюта ҳисоби – 20203840900155275001 Тошкент шаҳар акционерлик тижорат «Алоқа» банки, коди МФО 00401, ИНН: 20105923, ОКОНХ 92110.

## **2. «ТАТУ» ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

2.1. ТАТУ нинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- жаҳон таълим стандартлари талабларига мувофиқ юқори малакали олий маълумотли кадрлар тайёрлаш;
- қобилиятли ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ревожланишида улардан самарали фойдаланиш;
- ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- ёшларга ўзлари танлаган соҳа бўйича Давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим бериш;
- таълимнинг узлуксизлигини, изчиллигини, тизимнинг дунёвий характерда эканлигини, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик тамойилларини таъминлаш;
- фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини ривожлантириш;
- маданий ахлоқий ва маънавий-маърифий ишларни аҳоли орасида кенг олиб бориш;
- юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини жорий этишда изчил иштирок этиш;
- таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш.

2.2. ТАТУ нинг бош вазифалари:

- шахснинг интеллектуал, маданий, маънавий ва маърифий камол топишига бўлган талаб-эҳтиёжларини руёбга чиқариш ҳамда касбий жиҳатдан ўсиш ва мукамалликка эришиш учун шарт-шароитлар яратиш;
- жамиятнинг ўрта махсус, базавий олий таълим, олий касбий ва олий малакали мутахассисларга, шунингдек, қўшимча касбий таълим, касб-хунар ва тайёрлов таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш;
- юксак маданият, касбий билимдонлик, ғоявий-сиёсий етукликни ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган мутахассислар тайёрлаш;
- халқ хўжалиги муаммоларини ўқув жараёни билан ҳамкорликда ҳал этишга қаратилган фундаментал изланиш тарзидаги амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;
- аҳоли ўртасида иқтисодий, маданий, экологик ва бошқа йўналишлардаги илмий ҳамда сиёсий билимларини оммалаштириш, аҳолининг умумтаълим савиясини ошириш;
- ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш ҳамда ҳукуматлараро битим-шартномалар бўйича хориж мамлакатлари учун базавий олий, мутахассислик ва олий малакали мутахассислар тайёрлаш;
- ўқитувчилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- жамиятнинг маънавий, маърифий, маданий ва илмий кадриятларини тўплаш, асраш ва кўпайтириш;
- таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилишда фаол қатнашиш;
- ўқув жараёнига таълимнинг янги технологияларини киритиш ва улардан самарали фойдаланишдан иборат.

## **3. «ТАТУ» НИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИ**

3.1. ТАТУнинг таркибий бўлинмаларини тузиш муассисни воқиф этиш ҳамда ушбу Уставда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш билан амалга оширилади.

3.2. ТАТУ нинг шўъбалари ваколатли Давлат бошқарув органлари билан келишилган ҳолда, муассис тамонидан ташкил этилади.

3.3. ТАТУ нинг таркибида ёки унинг ҳузурида давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини (шу жумладан юридик шахс мақомига эга бўлган) очиш белгиланган тартибда муассис тамонидан амалга оширилади.

3.4. ТАТУ ўз таркибида қуйидагиларга эга бўлиши мумкин:

- минтақавий филиаллар ва ўқув-маслаҳат шаҳобчалари;
- ўқув бўлинмалари-факультетлар, академик (оддий) лицейлар, касб-хунар коллежлари ёки бошқа турдаги ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасалари;
- илмий-тадқиқот муаммолар ва тармоқ (соҳа) лабораториялари; илмий-тадқиқот ва айрим гуруҳ йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув институтлари;
- чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган ҳар хил бизнес мактаблар;
- тегишли жойларда шўъбалари бўлган асосий кутубхона;
- хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар;
- маъмурий-бошқарув бўлинмалари;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетлари ёки марказлари;
- касбга йўналтириш, ишчи мутахассисликлар бериш ёки тайёрлов курслари;
- ижтимоий-маиший ва маданий муассасалар;
- нашр-матбаа маркази (бўлими);
- «Талабалар уйи» маъмурияти;
- капитал ёки жорий таъмирлаш бўлими;
- аҳолига товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва ҳ.к.

ТАТУ нинг мазкур таркиби 1-иловада келтирилган.

3.5. Филиаллар, ўқув-маслаҳат шаҳобчалари, ўқув факультетлари, касб-хунар коллежлари, академик (оддий) лицейлар, бошқа таркибий бўлинмалар ўз фаолиятларини меъёрий ҳужжатлар, мазкур Устав ва ўз Низомларига асосланиб олиб боради.

#### **4. «ТАТУ»ГА АБИТУРИЕНТЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. ТАТУ да мавжуд бўлган таълимнинг барча турларига талабалар (ўқувчилар, тингловчилар) қабул қилиш кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси – шахснинг аризасига мувофиқ, кириш синовлари натижалари бўйича давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

4.2. Абитуриентларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш Давлат комиссияси Низомида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

4.3. Қабул таълим йўналиши, шакли ва тили бўйича алоҳида ажратилган ўринлар квотасида абитуриентлар тўплаган баллга асосланади.

4.4. Талабаликка қабул қилиш энг кўп балл тўплаган абитуриентлардан бошланиб, тўплаган баллар камайиб бориши бўйича олдин бюджет, кейин тўлов-контракт ҳисобидаги ўринлар квотаси кетма-кет тўлдирилиши билан амалга оширилади.

4.5. Мутахассислик бўйича олий касбий таълим берувчи магистратурага талаба қабул қилиш базавий олий таълим (бакалавриатура) давомида тўплаган, йўналиш ва гуманитар фанларнинг биридан топширилган тест синов балларининг йиғиндиси асосида юқорида келтирилган шартларга мувофиқ бажарилади.

4.6. Таълимнинг бошқа турлари бўйича қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Қарорлари асосида тузилган тегишли низомлар асосида амалга оширилади.

4.7. Юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизими аспирантура ва докторантурага қабул қилиш Давлат стандартларига мувофиқ тартибда бажарилади.

4.8. Иккинчи олий маълумот олишга талабалар қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонўни, амалдаги меъёрий ҳужжатларга ва ушбу Устав қоидаларига асосан тўлов-контракт асосида ўтказилади.

4.9. Экстерн таълим курсларига қабул Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган «Экстерн тўғрисида»ги Низом

асосида амалга оширилади.

4.10. Ҳорижий фуқароларни талабалikka қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, ҳукуматлараро битимлар ёки Давлат комиссиясининг розилиги билан тўлов-шартнома асосида бажарилади.

4.11. Ҳорижий фуқаро(талаба)ларга татбиқ этиладиган имтиёзлар, тегишли шарт-шароитлар ва стипендия тўлаш масаласини муассис билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **5. ТАЪЛИМ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

5.1. ТАТУда мутахассисларни турли хил муддат ва даражада тайёрлаш ўрта махсус, касб-хунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, аҳолига турли таълим хизматларини кўрсатиш тизими Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фан дастурлари ҳамда қўшимча дастурлар асосида амалга оширилади.

5.2. ТАТУ да таълим беришнинг халқаро тилдан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида» ги қонуни билан белгиланади яъни ўзбек, рус, инглиз, қорақолпоқ тилларида олиб борилади.

Информация ва телекоммуникация технологиялари, почта хизмати йўналишининг ўзига хос хусусиятларини, талаб-эҳтиёжларини ва ТАТУ нинг имкониятларини инобатга олиб ҳамда хорижий фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб дарс машғулотлари рус ёки чет тилларининг бирида олиб борилиши мумкин.

5.3. Ўқув йили 2 сентябрда бошланади, ўқув режасида узоқ муддатли ишлаб чиқариш амалиёти, харбий йиғинлар ёки бошқа турдаги ишлар назарда тутилган йўналиш (мутахассислик)лар ва қўшимча таълим хизматлари бундан мустаснодир.

5.4. Ўқув йили муайян йўналиш ва мутахассисликлар бўйича жорий ўқув йили учун тасдиқланган ўқув жараёнининг жадвалига мувофиқ тугайди.

5.5. ТАТУ да ўқув машғулотларининг ва уни назорат қилишнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

- маъруза;
- лаборатория иши;
- амалий машғулот;
- семинар;
- коллоквиум;
- назорат иши;
- курс лойиҳа (иши);
- ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- маслаҳат;
- мустақил таълим;
- рейтинг тизимидаги назорат;
- мустақил иш;
- харбий ўқиш ва йиғин;
- битирув (бакалаврлик, магистрлик) иши.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун академик соат 40-45 минут, машғулотлар орасидаги танаффус камида 10 минут қилиб белгиланади.

5.6. Ҳафталик мажбурий аудитория ўқув юкламаси университет Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган йўналиш (мутахассислик) ишчи ўқув режаси билан тартибга солинади.

5.7. Таълимнинг кундузги шаклида ўқиётган талабалар белгиланган тартиб ва миқдорда давлат стипендиясини олади, уларга ўқув йилида камида 2 марта умумий муддати 7-10 ҳафта бўлган таътил берилади. Таътил беришнинг аниқ муддатлари муайян ўқув йилига тасдиқланган ўқув жараёни билан тартибга солинади.

5.8. ТАТУнинг тарбияга тегишли вазифалари таълимнинг инсонпарварлик

хусусиятларидан, миллий ва умумбашарий қадриятлар устиворлигидан келиб чиқади ҳамда талабалар билан профессор-ўқитувчилар (ходимлар)нинг биргаликдаги ўқув, илмий, назарий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти билан амалга оширилади.

5.9. Талабаларни ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат комиссиясининг Низоми билан белгиланади.

5.10. ТАТУ да таълимнинг қуйидаги турлари бўйича ўқиш жараёни ташкил этилиши мумкин:

- ўрта махсус ва касб -хунар таълими;
- йўналишлар бўйича бакалаврлар таълими (2-илова);
- мутахассисликлар бўйича магистрлик таълими (3-илова);
- олий ўқув юртидан кейинги таълим-аспирантура ва докторантура (4 ва 5 иловалар);
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълими (режа ва буюртмачилар талабларига асосан);
- ишчи касб курсларидаги таълим (талаблар бўйича);
- олий ўқув юртларига тайёрлов таълими (муддатлар бўйича);
- экстернат тартибидаги таълим;
- бошқа таълим турлари.

5.11. Таълимнинг барча турларида ўқув жараёнининг ташкил этилиши Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари, фан дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

5.12. Муайян ўқув йилига таълимнинг йўналишлари (мутахассисликлари), ўқиш шакллари ва квоталари Давлат комиссиясининг режалари билан белгиланади.

5.13. Ўқув йили ҳар бири ўқитиладиган фанлардан якуний баҳолаш (назорат) билан яқунланадиган 2 семестрдан иборат.

5.14. Ўқитиш сифати назорат тартиботларини ўтказиш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тасдиқланган Низом асосида белгиланади.

5.15. ТАТУ битирувчиларига таълим турига мувофиқ давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади, уларга ўзлаштирилган фанлар руйхати, ўқув режаси бўйича ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

## **6. «ТАТУ» НИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ**

6.1. ТАТУни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Қонун ва меъёрий ҳужжатларига таянган ҳолда мазкур Устав асосида тайинланган Илмий, васийлик ва кузатув кенгашлари томонидан, яккабошчилик билан жамоат бошқаруви тамойилларининг узвийлиги асосида амалга оширилади.

6.2. ТАТУга умумий раҳбарликни ректор бошчилигидаги Илмий Кенгаш амалга оширади.

6.3. ТАТУда фаолиятнинг турли хил йўналишлари бўйича бошқа кенгашлар тузилиши мумкин. Бундай кенгашларни сайлаш, уларнинг таркиби, ваколатлари, ҳамда фаолият олиб боришига доир бошқа масалалар муваққат низомларга асосланади.

6.4. ТАТУнинг Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган ҳолда Илмий Кенгашда тасдиқланади.

6.5. ТАТУнинг фаолиятига бевосита раҳбарликни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайдиган ректор амалга оширади. Ректор университет номидан мустақил равишда ва ишончномасиз амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ иш юритади ва раҳбарликни

амалга оширади.

6.6. Ректор ўз ваколатлари доирасида ТАТУнинг барча ходимлари ва таълим олувчиларга мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларга ташкилий, буйруқ, фармойиш шунингдек молия, банк ва пул ҳужжатларига биринчи бўлиб имзо қўйиш ваколатига эга.

6.7. Ректор ўз ваколатларининг бир қисми ижросини агентлик буйруғи билан тайинладиган проректорларга университетнинг ички буйруғи асосида бериши мумкин.

6.8. Минтақавий филиалларни бошқариш Агентлик билан келишилган ҳолда университет буйруғи билан лавозимга тайинланган директор томонидан олиб борилади.

6.9. ТАТУ тасарруфидаги академик (оддий) лицейларни, директор бошқаради Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган ҳолда университет томонидан лавозимга тайинланган.

6.10. Факультетларнинг бошқарув органлари факультет Кенгаши бўлиб, факультетларга бевосита раҳбарлик эса Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда ректор томонидан тайинланадиган факультет декани томонидан олиб борилади.

6.11. Ўқув, илмий, илмий-услубий ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ функционал топшириқларни адо этувчи асосий таркибий бирлик кафедрадир. Кафедрага одатда фан доктори илмий даражаси, профессор унвони бўлган, ТАТУнинг Илмий Кенгашида танловдан ўтган мудир бошчилик қилади. Танловдан ўтган кафедра мудирини билан маъмурият 5 йилгача бўлган муайян муддатга меҳнат шартномаси тузади.

6.12. ТАТУнинг Уставида кўрсатилган таркибий бўлинмалар хусусидаги низомлар ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилади ва Илмий Кенгаш томонидан тасдиқланади.

6.13. ТАТУда касаба уюшмаси кўмитаси фаолият кўрсатади. Бу ташкилот ўзининг бутун фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига, ўз Уставига, ТАТУ маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ амалга оширади.

6.14. ТАТУда бошқариш, иш юритиш ва ҳужжатларни олиб бориш белгиланган тартибда тузилган ва тасдиқланган тегишли йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

## **7. «ТАТУ» ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ, ТАЛАБАЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ХОДИМЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7.1. Талаба ўқишга қабул қилинганлиги ректор буйруғи билан расмийлаштирилган шахсдир, уларга белгиланган намунадаги талабалик гувоҳномаси ва рейтинг (ёки синов) дафтарчаси берилади.

7.2. ТАТУнинг талабалари (тингловчилари), ўқитувчи ва бошқа ходимларининг ҳуқуқлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари ва бошқа локал ҳужжатлар билан белгиланади.

7.3. ТАТУнинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- фан, техника ва маданиятни ривожлантиришнинг ҳозирги замон даражасига монанд билим олиш;
- бинолар, ускуналар, кутубхоналар, ўқув ва илмий бўлинмалар ҳамда ушбу Устав билан белгилаб қўйилган бошқа бўлинмалар хизматидан бепул фойдаланиш;
- ўқув бўлинмалари билан келишилган ҳолда ўқув режасида кўрсатилган танлов' фанларини (электив) белгилаш;
- жамоат ташкилотлари орқали ТАТУ фаолиятига, талабалар ҳаётига тааллуқли муҳим масалаларни ҳал этишда қатнашиш;
- илмий-тадқиқот ишларида ҳамда ушбу Уставда белгиланган фаолиятнинг бошқа турларида иштирок этиш;
- турли хил босқичдаги саралаш комиссиясининг тавсиясига биноан чет эл

мамлакатларида таълимни давом эттириш;

- ўқув машғулотларини сифатсиз ўтказётган ўқитувчиларни алмаштириш тўғрисида таклиф киритиш ;

- иқтидорли талабалар сифатида қўшимча машғулотларга қатнашиш;

- ўтказилган тест синовлари натижаларига мувофиқ таълим тизимининг кейинги босқичларида таълимни давом эттириш;

- қонун ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва «Талабалар уйи»дан жой олиш;

- юқори курсларда (кундузги ўқиш шаклида) ҳўқийдиган талабалар ўқишдан бўш вақтларида ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаш.

7.4. ТАТУнинг талабалари:

- ўқув режасидаги аудитория машғулотларининг барча турларига қатнашишлари;

- назарий билимларнинг, амалий кўникмаларнинг ва танлаган тайёргарлик йўналиши бўйича тадқиқотларнинг замонавий усуллари чуқур эгаллашлари;

- тегишли ўқув режасида назарда тутилган топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатларда бажаришлари;

- умумий маданиятни оширишда маънавий, маърифий ва жисмоний камолатга мутгасил интилишлари;

- жамоа ва давлат ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этиладиган ижтимоий тадбирларда қатнашишлари;

- ТАТУ Уставининг талабларини бажаришлари ҳамда ички тартиб қоидаларига риоя этишлари шарт.

7.5. Ўқишдаги ютуқлари ҳамда илмий-тадқиқот ишлари ва жамоа ҳаётидаги фаол иштироки учун талабаларга моддий ва маънавий раҳбатлантиришнинг турли шакллари белгиланади. Моддий раҳбатлантириш тегишли факультет деканлари, касаба уюшмаси ва жамоа ташкилотларининг тақдимномасига биноан мавжуд имкониятлар асосида амалга оширилади.

7.6. ТАТУни тамомлаган шахслар энг аввало мутахассислар тайёрлаш тўғрисида шартнома тузган корхона, муассаса ва ташкилотларга, қолган битирувчилар шахсий шартномалар асосида ишга тақсимланади.

7.7. ТАТУ да профессор-ўқитувчилар, илмий, муҳандис-техник, маъмурий, ўқув-ёрдамчи, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш ва бошқа ходимлар лавозимлари жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ мавжуд лавозимлар меҳнат шартномаси (контракт) асосида эгалланади.

Профессор-ўқитувчилар ва илмий ходим лавозимларига шартнома тузишдан олдин танлов ўтказилади.

7.8. Маъмурият профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган ўқув юкламалари миқдорини уларнинг малакаси ва фаолият хусусиятига қараб мустақил равишда белгилайди. Белгиланган 6 соатлик иш куни ҳисобидан ўқитувчининг йиллик юкламаси 1540 соатдан, жумладан, бевосига ўқув юкламаси-900 соатдан ошмайди.

7.9. ТАТУ нинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- университет ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг ижтимоий бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;

- факультетларнинг кенгашларида ва университетнинг бошқа бўлинмаларида ўқув, услубият, илмий, ижодий ва ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва хал этишда қатнашиш;

- ўзининг шахсий хусусиятларига энг кўп даражада мақбул келадиган ҳамда ўқув жараёнининг юқори сифатда бўлишини таъминлайдиган таълим усуллари ва

воситаларини танлаш;

– ушбу Уставда белгиланган тартибда маълумотлар жамғармаларидан, университетнинг ўқув, илмий, ижтимоий-маиший, даволаш ва бошқа хил бўлинмалари хизматларидан фойдаланиш.

7.10. ТАТУ нинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари:

– ўқув жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлашлари, талабаларда юксак маънавий фазилатларни, ватанпарварликни, ташаббускорлик ва мустақилликни ўстиришлари;

– педагогик жараённинг юқори самарадорлигини таъминлашлари, ўзларида ижодий қобилиятларни ўстиришлари;

– бўлғувси мутахассисларнинг шахсий кадр-қимматини ҳурмат қилишлари, уларнинг маданий ва жисмоний камолати тўғрисида ғамхўрлик қилишлари;

– университетнинг нуфузи, обрў-этиборини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари;

– ўқитиладиган фанларни ўқув-услугиёт қўлланмалари ва бошқа қўлланмалар билан таъмин этишлари;

– ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилишлари;

– меҳнат шартномасининг бурч ва вазифаларига доир талабларни тўлиқ бажаришлари;

– ўзларининг касбий, ғоявий-сиёсий ва маданий савияларини муттасил оширишлари, мунтазам равишда малака оширишнинг ҳар хил турларини ўташлари шарт.

7.11. Ўқув, услугиёт, илмий, ташкилий, тарбия ва спорт ишларидаги ютуқлари учун профессор-ўқитувчилар ва ходимларга маънавий ва моддий раҳбатлантиришнинг турли шакллари белгиланади.

7.12. Ўқитувчиларни штатлар қисқарганлиги ва ўзгарганлиги муносабати билан маъмурият ташаббусига кўра ишдан бўшатишга ўқув йили тугаганидан кейингина йўл қўйилади.

7.13. Бошқа ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ички тартиб қоидалари ва лавозим йўриқномаларида белгиланади.

## **8. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ**

8.1. ТАТУ да илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш куйидаги шаклларда олиб борилади:

– докторантура;

– докторлик диссертацияларини тайёрлаш учун ўқитувчилар ва ходимларни илмий лавозимларга ўтказиш;

– аспирантура;

– корхоналарда, илмий-тадқиқот институтларида, конструкторлик бўлимларида, олий «ўқув юртларида ва хорижий мамлакатларда илмий-педагогик ижодий стажировка ўтказиш;

– диссертация устидаги ишларини охирига етказиш учун ижодий таътил бериш;

– ёш мутахассисларни тадқиқотчи-стажёр лавозимига ишга тайинлаш.

8.2. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш куйидаги шаклларда йўлга қўйилади:

– шартномалар асосида ҳар хил муддатдаги қайта тайёрлов курслари;

– корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бўлимлари ва олий ўқув юртларида стажировка ўтказиш;

– малака ошириш факультетлари ва институтларида ўқитиш.

8.3. Бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланувчи малака ошириш шакллари билан, бир қаторда, ишлаб чиқариш ва илмий ишлар соҳаларида манфаатдор фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига шартнома асосида малака оширишга ҳам



йўл кўйилади.

8.4. Ушбу қисмдаги асосий ишлар белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли низомлар асосида олиб борилади.

## **9. «ТАТУ» НИНГ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ**

9.1. ТАТУ олиб борадиган илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг асосий илмий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- гуманитар, ижтимоий-иқтисодий, фундаментал ва техникавий (умуминженерлик) фанлар соҳасида тадқиқотлар олиб бориш;
- фан ютуқлари кенг қамраб олинган техника ҳамда раҳобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган янги технологиялар яратиш;
- республика халқ хўжалиги, фани ва техникаси учун мутахассислар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган тамойилларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- республика ягона информацион ва телекоммуникацион тармоқларининг яратилиш концепцияси, лойиҳаси ва амалий тадбиқини ишлаб чиқиш;
- таълимнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- илмий-услугиёт йўсинидаги тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- экологик жиҳатдан мусаффо технологиялар ишлаб чиқиш.

9.2. ТАТУ илмий фаолиятининг, унинг ташки ва ўзаро ташкилий ҳуқуқий муносабатларининг аниқ шакли ва мазмуни тегишли низомда ишлаб чиқилади ва Илмий Кенгажда тасдиқланади.

## **10. «ТАТУ»НИНГ БОШҚА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ЎҚУВ ДАРГОҲЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

10.1. ТАТУ нинг олий таълим, илм -фан ва маданий соҳасидаги ҳамда фан ва техника ютуқларидан амалий фойдаланиш борасидаги халқаро фаолияти қуйидагиларни назарда тутади:

- чет эллардаги таълим ва тадқиқот марказлари билан тўғридан тўғри олиб бориладиган ҳамкорликни кенгайтириш;
- умумевропа ва бошқа халқаро таълим ва илмий дастурларда қатнашиш;
- ҳорижий шериклар билан биргаликда бўлинмалар (марказ, лаборатория, технопарк ва ҳ.к.) ташкил этиш ва ўзаро шартномалар тузиш;
- нодавлат халқаро ташкилотларга кириш;
- халқаро семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда қатнашиш, шунингдек ўзида ташкил этиш;
- талабаларни, стажерларни, ўқитувчиларни ва бошқа илмий ходимларни тажриба алмашишидан фойдаланиш;
- барқарор ахборот алоқаларини вужудга келтириш;
- хорижий мамлакатлар билан қонун доирасида ҳар хил турдаги қўшма корхоналар барпо этиш.

10.2. ТАТУ нинг ҳорижий мутахассисларни тайёрлаш борасидаги йўналиш (мутахассислик)лар рўйхати Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан мутахассислар тайёрлашнинг худди шундай рўйхатига монанддир.

10.3. ТАТУ Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларида белгиланган муаммоларни ечиш мақсадида иқтисодий фаолият билан шуғулланиши мумкин, улардан тушган валюталар ва моддий мулклар университетнинг Уставида белгиланган фаолиятини ривожлантиришга қаратилади.

10.4. ТАТУ нинг мутахассислар тайёрлаш, талабалар ва ходимларни алмашиш соҳасидаги халқаро фаолияти, битим ва шартномалар тузишнинг шакл ва услублари ваколатли бошқарув идораларининг тегишли йўриқномалари асосида тузилган

«Университетнинг халқаро фаолияти тўғрисида» ги Низоми билан белгиланади.

## **11. «ТАТУ» НИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ**

11.1. Мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки у учинчи (юридик) шахслардан ижарага олган объектлар (ер, бинолар, иншоатлар, мол-мулк мажмуилари, ускуналар ва ҳ.к.) муассис тамонидан белгиланган тартибда «ТАТУ»га бириктириб қўйилади.

11.2. Ер участкаларини вақтинча фойдаланиш учун ижарага бериш ва олиш мумкин.

11.3. Ўзига жисмоний ёки юридик шахслар ҳада" тарихасида, хайрия, балки мерос йўсинидаги васиятга кўра берилган пул маблағлари, мол-мулк ҳамда \* мулкнинг бошқа объектлари, ўз фаолиятининг натижаси ҳисобланмиш интеллектуал ва ижодий меҳнат маҳсулотларига бўлган мулк ҳуқуқи ТАТУ га тегишлидир.

11.4. ТАТУ ассоциациялар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиш, маблағларнинг бюджетдан ташқари қисмига доир пул маблағларидан ҳамда ўзининг мулки бўлмиш бошқа объектлардан олиш тарихасида фойдаланиб, акционерлик жамиятларнинг устав фондларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

11.5. ТАТУ нинг мол-мулки таркиб топишининг ва у олиб борадиган фаолиятни молиявий таъминлашнинг манбалари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилардан иборат:

- турли даражадаги бюджетларнинг маблағлари;
- муассиснинг, шунингдек идоралар, корпорациялар, уюшмалар, корхоналар ва ҳ.к.ларнинг моддий ва молиявий маблағлари ;
- таълим хизматлари, илмий-педагогик ва ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширишдан олинган маблағлар;
- банкларнинг ва бошқа кредиторларнинг кредитлари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан чет эллик) ихтиёрий ионалари ва муайян мақсадга қаратилган маблағлари;
- интеллектуал мулкни хўжалик муаммоласига ўтказиш, таълим инвестицияси, ноу-хау ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар;
- халқаро ташкилотларнинг грантлари ва хорижий инвестициялар;
- қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа молиявий ёрдам ва манбалар маблағлари.

11.6. Пул билан таъминлаш муассис тамонидан, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Жорий даврда ишлатилмай (фойдаланилмай) қолган бюджетдан ташқари пул маблағлари келгуси бюджет даврига ўтказилади.

11.7. ТАТУ тегишли таълим дастуридан ҳоли равишда шартнома асосида турли хил пуллик (шу жумладан турли даражадаги

бюджетларнинг маблағлари ҳисобига таълим олаётган талабаларга ҳам ) хизматлар кўрсатиши мумкин.

11.8. ТАТУ амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ корхоналарга тенглашган тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари унга ҳам тааллуқли бўлган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга ҳақлидир.

11.9. ТАТУ шартнома асосида корхоналар муассасалар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар учун иш бажариши, хизматлар кўрсатиши ва хизматлар тузишга тааллуқли масалаларни мустақил равишда ҳал этиши мумкин.

11.10. ТАТУ да белгиланган қонун доирасида таълим тизимини ривожлантириш, малакали ўқитувчилар тайёрлаш, ходимлар ва талабаларни бюджетдан ташқари маблағдан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва бошқа манбалардан моддий рағбатлантириш фондлари тузилиши мумкин.

11.11. ТАТУ да ходимларнинг мансаб окладлари меҳнат шарномасига асосан ҳақ

тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ амалга оширилади ва белгиланган мажбуриятларни бажарганлиги учун тўланади. Бюджетдан ташқари маблағлардан тўланадиган қўшимча ва устама ҳақ миқдори мустақил равишда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан иктисодий имкониятларга асосан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

11.12. ТАТУ нинг моддий воситалари, бинолари, иншоатлари, асбоб ускуналари унинг тасарруфида бўлади, улардан фойдаланиш ушбу Уставга асосланиб белгиланади.

11.13. ТАТУ нинг ўқув бинолари, устахоналари, лабораториялари, иншоатлари ва бошқа объектларининг жиҳозланиши наъмунавий меъёрларга мувофиқ белгиланади.

## **12. «ТАТУ» ДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБДОРЛИК**

12.1. ТАТУ ўзининг молиявий-хужжалик фаолияти юзасидан тезкор бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритади, белгиланган шаклда статистика ва бухгалтерия ҳисобдорлигини олиб боради, муассисга ёки бошқа ваколатли бошқарув идораларга ҳар йилги ёки бошқа муддатга белгиланган ҳисоботларни тақдим этади.


12.2. Нотўғри маълумотларни тақдим этганлиги ёки давлат ҳисобдорлигини бошқача тарзда бузганлиги учун ТАТУ раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

12.3. ТАТУ молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан белгиланган шаклдаги статистик маълумотларни солиқ бошқармаларига тақдим этиб боради.

## **13. «ТАТУ» НИ ТУГАТИШ, УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ**

ТАТУ ни тугатиш, унинг фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

## Тошкент Ахборот Технологялари Университети ташкилий тузилмаси



**ТАТУда бакалавриатура бўйича мавжуд ва режалаштирилган (\*)  
таълим йўналишлари**

- 5140900 – Касб-хўнар таълими
- 5340100 – Иқтисодиёт (соҳалар бўйича);
- 5340200 – Менежмент (соҳалар бўйича);
- 5340300 – Маркетинг (соҳалар бўйича);
- 5521900 – Информатика ва ахборот технологиялари;
- 5522000 – Радиотехника;
- 5522100 – Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшитириш;
- 5522200 – Телекоммуникация;
- 5840200 – Почта хизмати;
- 5341200 – Электрон тижорат \*;
- 5523000 – Ахборотлар хавфсизлиги \*.

**ТАТУда магистратура бўйича мавжуд ва режалаштирилган (\*)  
мутахассисликлар**

- 5A522101 – Радиотехник ва телевизион тизимлар ва қурилмалар;
- 5A522105 – Мобиль алоқа тизимлари;
- 5A522202 – Алоқа тармоқлари, узеллари ва ахборот тақсимоти;
- 5A522206 – Рақамли техника ва бошқарувчи тизимлар;
- 5A522210 – Алоқа тизимлари ва тармоқларига хизмат кўрсатиш ва улардан техник фойдаланиш (тармоқлар бўйича);
- 5A522216 – Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси;
- 5A340201 – Менежмент (соҳалар бўйича);
- 5A521902 – Бошқариш ва ахборотни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари \*;
- 5A521909 – Ахборотлар хавфсизлиги \*;
- 5A521910 – Мультимедиа тизимлари ва компьютер графикаси \*;
- 5A522004 – ўта юқори частотали қурилмалар ва антенналар \*;
- 5A522006 – Майший радиоэлектрон аппаратлар \*;
- 5A522103 – Радиоалоқа тизимларининг рақамли техникаси \*;
- 5A522104 – Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш \*;
- 5A522108 – Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш воситаларидан техник фойдаланиш \*;
- 5A522201 – Алоқа каналлари бўйича ахборот узатиш тизимлари ва қурилмалари \*;
- 5A522205 – Алоқа тармоқлари ва бошқарув тизимлари \*;
- 5A522207 – Телекоммуникация тизимларининг дастурий таъминоти \*;
- 5A522208 – Телематика тармоқлари ва тизимлари \*;
- 5A522214 – Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларининг ахборот хавфсизлиги \*;
- 5A522215 – Алоқанинг йўлдошли ва уяли тизимлари;
- 5A340310 – Электрон тижорат \*;
- 5A521516 – Тиббий радиоэлектрон асбоблари \*.

**ТАТУ аспирантура мутахассисликлар  
РУЙҲАТИ**

- 05.12.02 – Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари.
- 05.12.14 – Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш.
- 05.12.17 – Радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар.
- 05.13.11 – Ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқларнинг математик ва дастурий таъминоти.
- 05.13.13 – Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқлари.
- 05.13.19 – Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари.

**ТАТУ докторантура мутахассисликлар  
РУЙҲАТИ**

- 05.12.02 – Алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари.
- 05.12.14 – Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш.
- 05.12.17 – Радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар.
- 05.13.11 – Ҳисоблаш машиналари, комплекслар, тизимлар ва тармоқларнинг математик ва дастурий таъминоти.
- 05.13.13 – Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқлари.
- 05.13.19 – Ахборотлар технологияси, ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш тизимлари ва усуллари.